

Мусулмонлар орасида минг уч юз йилдан бери ота-боболаридан мерос қолиб келган жуда кўркунчлик юкма касал ҳукм суриб келаётибдириким, ул ҳам хотунжаллобликдир. Бу касал, қулгуна ва кайсари ноҳунадан ҳам ёмонроқ бўлиб, саноксиз хотун-кизларимизни бахти қаро қилди. Хадсиз сингил-опаларимизни тириклай қора тупроққа топшириб келди.

Таг-тагини суриштириб келсангиз, бу юкма касал бизга йўқсул оталаримиздан эмас, балки кўзи чикқур амир ва хонларимиздан, қорни ёрилгур мулла ва бойларимиздан юқуб келгандир. Муллаларимиз фатвои шаръий бердилар. Подшоҳ ва шаҳаншоҳларимиз ўзларининг ўрдаларини жориялари билан тўлдурдилар. Диндор уламоларимиз «Мухаммад уммати кўпайсун» деб далолати хайрда бўлдилар. Бой ва сарватдорларимиз хотунни кўпайтириб, шариат юзасидан тўртдан ошугини сўфи қилиб кўйдилар...

Мана, бизнинг ҳақпараст мусулмонларимиз орасида бирдан ошиқ хотун олиш шу йўсинда бошланиб, шу равишда давом этди. Гўр-багўр кетгур ота-боболаримиздан шу тариқада бизга мерос қолиб келди.

Энди опа-сингилларимизнинг ҳуқуқини поймол қиладургон ва уларнинг бахтини ўйунчоқ қилгон хотунжаллобларимизнинг ички-оилавий турмушларига бир кўз солайлик. Қани, булар ўз хотунларига қандай муомала қиладир-лар ва нечук қайф сурадирлар?

Бирдан ортиқ хотун олгон қишининг тирикчилиги, айш-ишрати жуда қизиқдир. Бошлаб шуни айтиб берайликким, бундай уйда ишк-муҳаббат, садокат ва тўғрилиқ деган нарса сира бўлмас. Сиз ҳар кун тўй-томошага бораман десангиз, тўп-тўғри икки хотунлик ўртоғингизнинг уйига боринг. Тиётрларда, сирқларда кўрмаган ажойиб томошани шунда кўрасиз. Хотунлардан бири «фолоний» деб чақирса, бошқаси «домона» деб жавоб берадир. Бундай уйда ҳар вақт ош деб тошни едиралар. Қош тузатаман деб кўзни чиқарадирлар... Бириси эшиқдан қараса, униси тешиқдан қарайдир. Буларнинг ўртасида қунда неча қатла милла узуш, ёқа йиртиш ҳам воқеъ бўлиб турадир...

Мудоҳона ва мунофиқлик илмини ҳатм қилгон эр ўз хотунларини, бир томондан, турлиқ қалати нарсалар билан, бошқа томондан, «қамчи» сиёсати билан унча-мунча алдаб турса ҳам, лекин бу алдашлар кўб вақт давом этмас. Охири, ё эр хотундан безор бўлиб уни хайдайдир ёки хотун ажралиб ўзини қутқарадир... Шундай бўлмагонда икковидан бири

албатта сил бўлиб ўладир...

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакким, икки хотунлик оилаларнинг эрлари кўпинча даюсмизож ва хунаса афт бўлиб, хотунлари ҳам бир мунча сатангтабиат ва олифтахўй бўладирлар... Биз хотунларнинг бу айб ва гуноҳини хамиятсиз эрларнинг бўйнига кўямиз. Чунки бу ишларнинг бош сабаби ҳам шулардир.

*Мулла Жунбул*

*«Машраб», 1924 йил, 7 - сон*